

Устоз ва шогирд анъаналари

Жорий йилнинг 2019-йил 29-ноябр куни соат 17-20 да 4-сонли ТТЖ да “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан “Устоз ва шогирд анъаналари” деб номланган давра сұхбати бўлиб ўтди. Бу давра сұхбатида дотц. А. Каримов талабаларга буюк устозлар босиб ўтган йўллар ҳақида муфассал маълумотлар бериб ўтди. Айни пайтда талабаларга ўз соҳасини севиши унга меҳр қўйиши, ўз мутахассислигини чуқур эгаллаши, шу жумладан тил билиш муҳим эканлиги ҳақида уқтириди. Давра сұхбатида талаба ёшларга овқатланиш тартиби, ухлаш ҳамда спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб бориш лозимлигини айтишди. Тадбирда 4-курс талабаси Ш. Қораҳонов томчилаб сугориш технологияси ҳақида савол берди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга қониқарли жавоб олишди. Ушбу тадбирда кафедра профессор ўқитувчилари С. Маматов, А. Алимжонов, Ж. Мирзакобулов, А. Ҳамидов, Б. Насибов, Р. Раззоқовлар иштирок этишди. Тадбир жуда кўтаринки руҳда ташкил этилди. Талабаларимиз кафедра профессор ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

4-ТТЖ тарбиячи педагоги А.Хайтова ахбороти

Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов